

*Б. Жаббаров*



**ЖАН АНТУАН  
ГУДОН**

*Ҳаёти ва ижоди*

**Жаббаров Ботиршер Ғуломович**

***ЖАН-АНТУАН ГУДОН***  
***ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ***

**Наманган - 2018**

УЎК:821-512-133-9

КБК:84(5Ў36)7

Ж-8

**Жаббаров Ботиршер Ғуломович**

**НамДУ Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси  
доценти, Ўзбекистон БА Ижодкорлар уюшмаси аъзоси.**

**Такризчилар:**

**Ў. Абдуллаев – НамДУ Тасвирий санъат ва  
муҳандислик графикаси кафедраси  
мудири, доцент.**

**А. Акпаров – Ўзбекистон Бадий Академияси  
академиги, Ўзбекистон халқ рассоми.**

**ISBN:978-9943-5437-7-5**



**© Б.Жаббаров**

**© “Наманган” нашриёти, 2018**

## Кириш

Президентимиз Ш. М. Мирзияевнинг ташаббуслари билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияни тўртинчи устивор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган бўлиб, унинг 4.4. банди “Таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш”га қаратилган. Унда “ёш авлодни ижодий ва интеллектуал салоҳиётини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш” бош мақсад қилиб олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам ўз олдимизга жаҳон санъатига улкан ҳисса қўшган рассом, ҳайкалтарош ва меъморлар, амалий санъат усталари ҳақидаги илмий манбааларни ёшларга етказиш орқали ёшларнинг ижодий соалоҳиётини янада ўстиришга қаратишни лозим топдик.

Санъатшунослар, рассом-педагоглар, олимларнинг саъйи-ҳаракатлари билан жуда кўплаб санъат асарлари, маданий ёдгорликлар, амалий санъат ва халқ хунармандчилигининг бебаҳо намуналари қайта ўрганилиб, ўқувчи-ёшларга, талабаларга, кенг санъат ихлосмандлари оммасига етказилмоқда. Янги тарихий шароитда жаҳон санъати ва маданияти тараққиёти тахлилига бағишланган кўплаб фундаментал илмий-тадқиқот ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Бу борада Т. Махмудов, А. Умаров, Э. Ртвеладзе, Н. Абдуллаев, А. Хакимов, А. Эгамбердиев, Ш. Шоёкубов, Р. Хасанов, А. Сулаймонов, Б. Бойметов, С. Абдирасулов, Н. Толипов каби кўплаб олимларимиз томонидан жаҳон санъати ва маданияти тарихи, назарияси ва уни ўқитишга оид янги тахрирдаги кўплаб дарслик, ўқув қўлланма ва рисолалар ўзбек тилида чоп қилинди. Шунга қарамасдан жаҳон санъатига ўзининг улкан хиссасини қўшган кўплаб рассомларнинг бир ёки иккита асари ҳақида қисқача, юзаки маълумотларга эгамиз холос. Жумладан, санъатга ихтисослашган ўрта махсус касб таълимини тамомлаб Олий ўқув

юртларига кириб, тахсил олаётган талабаларнинг аксарияти ихтисосликнинг асосий ўқув предметлари бўлган қаламтаъсвир, рангтаъсвир ва ҳайкалтарошлик дарсларида фойдаланадиган Гудоннинг “Экорше” асарининг гипс нусхасини “Гудон”- деб атайдилар. Аксарият талабалар ушбу гипс нусхани “Гудон” деб тушунишади. Ушбу ҳайкалнинг муаллифи, француз ҳайкалтароши Жан-Антуан Гудон ҳақида сўралганида эса уни ижодини яхши билмасликлари маълум бўлади.

Талабалар француз ҳайкалтароши Жан-Антуан Гудон асарларидан дарсларда, натура сифатида мунтазам равишда фойдаланиб келишларига қарамадан унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус рисола ёхуд ўқув қўлланма билан таниш эмаслар. Чунки, уни ижодига бағишланган ўзбек тилидаги рисолани ўзи чоп қилинмаган. Рассом ҳақидаги маълумотларни бутунлай йўқ дейиш фикридан йироқмиз. Мисол учун, ҳурматли устоз Неъмат Убайдуллоевич Абдуллаев томонидан чоп қилинган “Санъат тарихи”<sup>1</sup> китобида рассом ҳаётига оид қисқа маълумот берилган.

XVIII аср нафақат француз, балки жаҳон санъатига ўзининг реалистик портретлари билан улкан хисса қўшган Жан-Антуан Гудон (1741-1828) ижоди билан талаба-ёшлар яқиндан танишишлари зарур. Гудон узоқ вақт одам анатомиясини ўрганиб, ўзининг машҳур анатомик ҳайкали “Экорше”ни (териси олиб ташланган эркак ҳайкали) яратади. Санъаткорнинг йигирма олти ёшида яратган ушбу ҳайкали кейинчалик тасвирий санъат асосини ўрганувчилар учун кўргазмали қурол, намуна бўлиб қолди. Ҳозирга қадар жаҳоннинг деярли барча давлатларида санъат ихтисослашган ўқув юртларида ундан намуна сифатида фойдаланиб келинади. Рассомнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий манбаалар ва тарихий маълумотларни француз, инглиз, немис, италиян, рус ва шу каби бошқа кўплаб хорижий тиллардаги адабиётларда учратишимиз мумкин.

<sup>1</sup> Н. Абдуллаев. Санъат тарихи 2/1. Т.; “SAN’AT” нашриёти. 2001. 41-42-66.

Бизнингча эса ўзбек ўқувчиси, талаба-ёшлар ҳам ушбу рассом ҳақида тўлиқ илмий маълумотларга эга бўлиши зарур. Чунки, рассом ижодидан дарс жараёнида намуна сифатида фойдаланиб, у ҳақида билмаслик талабани юзаки билим олишига асос бўлади. Уни ижодидан илҳомланган ёшлар эса рассом ҳақида тўлиқ илмий маълумотга эга бўлишни хоҳлайдилар.

Жаҳон санъати тарихида ўзининг бебаҳо ҳайкалтарошлик асарлари билан ўчмас из қолдирган Жан-Антуан Гудон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий маълумотларни, уни тасвирий санъат таълимига қўшган ҳиссасини талаба-ёшларга етказиш орқали тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш ва интеллектуал салоҳиятини намойиш қилишлари учун замин яратиш мумкин.

Ушбу рисоладан талабалар, ўрта умумтаълим мактаби тасвирий санъат ўқитувчилари, тўғарак раҳбарлари, ҳайкалтарошлар, тасвирий санъатга илк қадамини қўйган ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Рассомнинг ҳаёти ва ижоди, уни жаҳон тасвирий санъати ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш нафақат талаба-ёшларга, балки кенг китобхонлар оммасига ҳам қизиқарли бўлади деб ҳисоблаймиз.

## XVIII аср Франция санъати да ҳайкалтарошликнинг

### тутган ўрни.

XVIII аср француз санъатининг тараққиёти иккига ажратиб ўрганилади. Бу асрнинг биринчи ярми санъати бевосита сарой ахллари ва киборларнинг талаби ва диди билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Кўнгили очиш учун мўлжалланган санъат асарлари, ишқ-муҳаббат мавзуси давр санъатида кенг ўринни эгаллайди. Меъморлик ва амалий санъатда ҳам нафислик, жимжимадорликка интилиш яққол сезилади. Санъатнинг бу хусусияти бевосита шу даврнинг асосий услуби “роккоко” (ўйноқи)да кўзга ташланади.

XVIII асрнинг 20 - йилларида юзага келган роккоко услуби 30 - 40-йилларга келиб ўзининг гуллаган даврини бошидан кечиради. Меъморлик ансамблларида жимжимадорликка эътибор кучаяди. Роккоко услубида қурилган биноларда классицизмга хос бўлган аниқ симметрия ўрнини ассимметрия, яъни “тартибсизлик” эгаллай бошлади. Биноларнинг ташқи кўриниши жиддий ва сипо, лекин ички қисми эса уни акси ўларок, хоналарни безашга эътибор жуда ортади. Хона ички қисми енгил “пастель” рангида ишланган нақши, афсоналардан олинган кичик-кичик суръатлар билан безатилади. Меъмор Жермен Боффорнинг (1667-1754) ижодида интерьерларни безатилишида ва характери жиҳатидан роккоко услубини шу ўзига хос жиҳати намоён бўлади.

Жан-Анж Габриэль (1669-1782)нинг дастлабки ижодида ҳам илк классицизмга хос жиҳатлар кўрина бошлайди. Унинг йирик асарларидан бири Париждаги “Мураса майдони” (1751-1769) бўлиб, унда меъморнинг наворлиги намоён бўлади. Бу дастлабки очиқ майдонлардан бири бўлиб, Сена дарёси ёқасида жойлашаган ҳамда катта бир ансамблини марказлаштириш ва ташкил этиш учун фойдаланилган. Габриэлнинг шу тарздаги майдон қуриш услуби кейинчалик, ривожланган классицизм даврида меъморлар томонидан кенг қўлланилган.

Меъморлик интерьери билан боғлиқ бўлган жараёнлар тасвирий ва амалий санъатда ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, рангтасвир санъатида шаклланган роккоко услуги декоратив рангтасвир санъатида ўзини намоёниш этади. Девор ва шифт тепасига ишланган суратлар, gobelen композициялари кўнгил очишга мўлжалланган мавзулар билан тўлдирилган. Декоратив рангтасвирда одам қомати бадиий безак унсурига айлана боради ва майинлик хислатларини ифодалашга бўйсундирилади. Рассомлар оқиш, кулранг, пушти, товланувчан олтинсимон рангларнинг тусланишига эътибор бердилар. Ишқ-муҳаббат, киборларнинг кўнгил очиш ва дам олишини тасвирловчи асарлар яратилди. Француз тасвирий санъатидаги ранг-баранглилик рассом ва ҳайкалтарошларни гоҳ Антик дунё, гоҳ Голланд, гоҳ Венеция рассомлари ижодига мурожаат қилишга даъват этади.

XVIII аср француз рангтасвир ва қаламтасвир санъати усталаридан бири бўлган Антуан Ватто (1684-1721) асарларида кишиларни нозик хистуйғуларини, ҳиссий кечинмаларини шоирона руҳда тасвирлаган. Бу рассомнинг кейинги ижоди зодогонлар, аристократларнинг тўкин ҳаётига, ишқ-муҳаббат мавзусига бағишланган. Ватто ижодида бир томондан реалистик, иккинчи томондан бороккога хос хусусиятлар сезилса, бу даврнинг бошқа бир рассоми Франсуа Буше (1703-1770) ижодида эса роккоко услуги етакчилик қилади. Қиролнинг биринчи рассоми, академия директори, аристократия санъаткори бўлган Буше китоб безаш, интерьерлар учун декоратив паннолар ишлаш йўналишида самарали ижод қилади.

XVIII аср ўрталаридан бошлаб киборларнинг ҳаддан ортик нозиклашиб, ҳаётдан узоклаша борган ҳаётига бағишланган рангтасвир санъати Дени Дидро бошчилигидаги танқидчилар томонидан кескин танқидга учрайди. Дидро бошчилигидаги танқидчиларнинг фикрига кўра санъат чуқур мазмунли бўлиши, одамларнинг ҳаёт муаммоаларини билишга ҳамда жамият ривожини учун хизмат қилиши зурур эди. Дидронинг



санъатга бу хилдаги қарашлари унинг Луврда бўлган кўргазмаларга атаб ёзилган мақолаларида ўз ифодасини топади.

Дидронинг ҳурматига сазоввор бўлган, ўз ижоди билан унинг қарашларига яқин рассомлардан бири Жан Батист Симоен Шарден (1699-1779) бўлиб, у рассомликдан тугал академик тарбия олмаган бўлишига қарамасдан, натурадан расм чизиш, ҳаётни синчиклаб ўрганиш уни буюк француз реалист рассоми даражасига кўтарилишига олиб келди. Шарден бу асрда Франция санъатида шакллана бошлаган натюрморт жанрида самарали ижод қилади. У табиат неъматларининг ранг-баранг шакли, хусусияти, ҳажми, кўринишидан завқланиб, уларни ифодалашда Европа рассомлари ичида биринчи колорист рассом сифатида тан олинади. Шунингдек, Шарден француз дастгоҳли рангтасвир санъатида реалистик портрет яратган дастлабки ижодкорлардан бири ҳисобланади.

XVIII аср реалистик санъатнинг ривожланиши рассомларнинг портрет жанрига бўлган қизиқиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу давр портрет санъатида икки йўналиш мавжуд бўлиб, бири киборлар диди ва хоҳиши асосида яратилган парад портретлар бўлса, иккинчиси воқеликни ўзида тўлақонли кўрсатишга қаратилган реалистик портретлар ҳисобланади. Шундай санъаткорлардан бири Морис Кантен Латур (1704-1788) бўлиб, у ўз замондошларининг кўплаб портретларини яратади. Рассом портретларни асосан пастелда ишлаб, бу техникада катта муваффақиятга эришгани сабабли “пастел кироли” деган номга сазоввор бўлади.

Ҳайкалтарошлик ҳам кўпроқ интерьерларни безаш санъатига хос роққоко услубига асосланади. Мифологик ва аллегорик сюжетларга қизиқиш ортади. Бу мавзулар шу даврда кенг ёйила бошлаган майда пластикада кўп ишланди. Киборларнинг диди ва қарашларининг ўзгариши билан давр ҳайкалтарошлигининг мавзуси ва характери ҳам ўзгара бошлади. Ишланган ҳайкал композициясининг содда ва жиддий бўлиши, озрок деталлардан фойдаланган ҳолда бадий асар яратишга бўлган

интилиш сезиларли даражада бўлди. Яратилган асарларда реалистик жиҳат кучая бошлайди. Янги шаклланиб келаётган жараёнлар дастлаб портрет санъатида, кейичалик эса маҳобатли ҳайкалтарошлиқда кўрина бошлади.

Ана шу изланишлар йирик француз ҳайкалтароши Этьен Морис Фальконе (1716-1791) ижоди интим - лирик пландаги ҳайкаллар ишлаш жараёни билан бошланди. Рассом чинни мануфактурасига бадий раҳбар бўлганидан (1757) кейин майда пластикада ижод қилиб, француз чинни санъати ривожланишида катта роль ўйнади. Фальконе ижодида антик давр санъатига қизиқиш орта борди. У асар мазмунини чуқурлаштириб, унинг бадий тили содда ва жиддий бўлишига эътибор бера бошлайди. Бу эса ўз навбатида уни кейинчалик маҳобатли ҳайкалтарош уста даражасига кўтарилишига асос бўлади. Унинг Петербургдаги “Мис чавондоз” (1766-1782) ҳайкалини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Рассомнинг ушбу асари Петербургдаги Сенат майдонида Пётр 1 га атаб ўрнатилади. Санъаткорнинг таъбири билан айтилганда, у ушбу асарида “хар қандай кийинчиликни енга оладиган қаҳрамон” образини яратади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, бу давр француз санъати классицизм ва рококко услубларининг ўзига хос қарама-қаршиликлари асосида ривожланади. Айниқса, ҳайкалтарошлик санъатнинг бошқа турларига нисбатан ҳам анча жадал ривожланади. Бу пайтга келиб француз ҳайкалтарошларининг бебаҳо ижод намуналари нафақат Европа, балки Америка қитъасида ҳам қад ростлайди.

### **Жан - Антуан Гудон ижодининг ўрганилганлик даражаси**

Францияда яшаб ижод қилган Жан - Антуан Гудон ўзининг бебаҳо портретлари билан нафақат француз балки, жаҳон санъатида ҳам ўчмас из қолдирган XVIII асрнинг йирик ҳайкалтарошларидан бири ҳисобланади. Сўнгги икки юз йилдан ортиқ вақт давомида уни ижодига бағишланган жуда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Уни ҳаёти ва

ижодида содир бўлган деярли барча асосий воқеа ва ҳодисалар нашр қилинган. Бироқ, буларнинг барчаси француз, инглиз, рус ва шу каби бошқа миллатга мансуб санъатшунос олимлар томонидан олиб борилган ҳамда хорижий тилларда чоп қилинган. Ўзбек китобхони, санъат ихлосмандлари эса рассом ҳақида айтарли маълумотга эга эмаслар.

Жуда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилганига қарамаздан рассом ижодининг кўплаб кирралари хали тўлиқ очиб берилган эмас, десак муболаға бўлмаса керак. Жумладан, Гудон айрим асарларини бир неча мартаба, қайта-қайта турли хил материаллар ёрдамида ишлаганлиги ва улардан олинган нусхаларнинг сони ҳам кўплигини ўзи алоҳида ўрганилмаган. Биргина Вольтер бюстини ҳайкалтарош турли материаллар ёрдамида юзлаб мартаба ишлаган, уни гипсдан қуйилган нусаларини эса Франция қиролик Академиясининг қирк нафар аъзосининг барчасига совға қилган.<sup>2</sup>

Гудон ўзининг ўзоқ йиллик ижодий фаолияти давомида икки мингдан ортиқ ҳайкалтарошлик асарларини яратган бўлиб, уларнинг кўпчилиги қисмини портрет-бюстлар ташкил қилади. Улар маҳобатли ҳайкалларга нисбатан ташиб кетиш учун бирмунча осон ва қулай бўлганлиги боис Европанинг деярли барча давлатлари ҳамда Америка бўйлаб кенг тарқалиб кетган. Баъзилари эса шахсий коллекцияларга ёхуд умумий жамғармаларга тушганлиги боис бутунлай йўқ бўлиб кетганлиги сабабли уларни таниш ва аниқлашнинг иложи бўлмай қолган.

Гудон қўлга киритган ютуқлари, эришган обрўси ва моделларининг мавқеига қараб уни тириклик чоғидаёқ асарларининг кўплаб қалбаки нусхаларини топиш мумкин бўлган. Ҳозирги кунга қадар ҳам уларнинг сони камайиш ўрнига табора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, яъни қалбаки нусхалардан ташқари ҳам XVIII аср, ҳаттоки XIX асрнинг биринчи ярмида яратилган айрим портретларни билиб-билмасдан Гудонни номига сунъий равишда тиркаб қўйилганлигининг ҳам гувоҳи бўлишимиз

---

<sup>2</sup> Г. Г. Арнасов. Скульптура Гудона. М.; 1982. 7-6.

мумкин. XX асрга келиб эса “Вашингтон”, “Бенжамин Франклин” каби асарларини ҳеч бир ёмон, ғараз ниятни кўзда тутмаган ҳолда, меъмуриал комплексларни бадий безатиш мақсадида ушбу асарларнинг нусхалари такроран ишланган бўлишига қарамай, айнан ушбу қалбаки нусхалар ҳозирги кунга келиб музейлардан рассомнинг асл нусха асари деб сақлаб келинмоқда.

Ушбу чалкашликлар ва ҳатоликларни тузатиш мақсадида XX асрнинг иккинчи ярмига келиб америкалик олим Г. Г. Арнасон тадқиқот ишларини олиб боради. Олиб борган тадқиқотлари асосида “Гудон ҳайкаллари” (Phadon Press, London. 1975) китобини инглиз тилида чоп қилади. 1982 йили рус санъатшунос олимаси П. В. Мелкова Арнасоннинг ушбу асарини рус тили “Скульптура Гудона” номи билан нашр қилдиради. Ушбу китоб ҳайкалтарошнинг 1769 йилдан бошлаб то 1841 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, Салонда қатнашган кўрғазмаларининг хронологик жадвали асосида ташкил қилинади. Сўнги йилларда ҳайкалтарош томонидан қайта, такрорий равишда ишланган асарлари истисно тарикасида китобга киритилган, чунки улар одатда биринчи нусха йўқ бўлиб кетганлиги сабабли уларни ўрнига ишланган асарлар ҳисобланади. Шунингдек, рассомнинг оила аъзоларининг бюстлари ҳам бир ерга гуруҳ қилиб жаъмлланган. Салонда кўрғазмага қўйилмаган ишлари эса унга яқин бўлган саналар асосида кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан ҳар бир ҳайкал рассомнинг ўзига хос услуби, техникаси нуктаи назаридан ўрганиб чиқилади ва зарурат туғилганда тарихий манбаалар, исбот ва далиллар ҳам келтирилган.

Ушбу китобда ҳайкалтарошнинг илк бюст-портретларига катта аҳамият қаратилган бўлиб, буни муаллиф ҳайкалтарош асарларининг юқори даражадаги сифати ёки бадий қийматига қараб эмас, аксинча “Гудон портретчи”нинг ўзига хос мавқеи ва обрўси билан боғлашга ҳаракат қилади. Унда рассомнинг бир юз элликта портретининг фото нусхаси ва ёзма маълумотлари жой олади. Муаллиф Гудонни барча

хайкалларини шахсан ўзи синчиқлаб ўрганиб чиққанлигини ва уларнинг фото нусхасини олганлиги ҳақида баён қилар экан, “фото нусхасини кўрган ишларимни эса алоҳида қайд қилдим”-деб ёзади.

Олимнинг яна бир диққатга сазоввор иши шунда эдики, нусхаси кўп бўлган асрларнинг нисбатан яхши чиққанинигина китобга киритади холос. Аммо, муаллиф ўзини-ўзи тўғрилаб, Гудонни барча ишларини китобга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлигини қайд қилар экан “айрим ҳолларда мен китобга киритганларимдан сифат жиҳатидан сира ҳам қолишмайдиган бебаҳо нусхалари ҳам йўқ эмас”- деб ёзади. Энг асосийси бошқа “тадқиқотчилар мени танловимга қўшилмасликлари ҳам мумкин, буни эса мени олқишлайман” - деб таъкидлайди.

Арнасон 1955-56 йиллар давомида Францияда бўлиб, Гудон асрлари жой олган музейлар, шахсий жамғармаларга боради ва у ерларда керакли бўлган расмий ҳужжатлар, илмий манбаалар билан танишади. Кўплаб ҳужжатлар Париждаги миллий архивда сақланган бўлиб, улар XIX аср ўрталарида яшаган илк француз тадқиқотчилари бўлган Монтеглон, Дюплексилардан бошлаб, Гастон Бриер, Андре Мишел, Пол Витри, Луи Реолар ва XX асрдаги бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларидан иборат мабаалар эди.

Буларнинг орасида Луи Рео Гудон ижоди бўйича энг яхши билимдон эканлигини ва у эллик йилдан буён Гудон ҳақида жуда кўплаб расмий маълумотларни йиғиб юрганлигини билган Арнасон Реони олдига боради. Рео Гудон ҳақидаги китоби тайёр бўлиб қолганлигини ва икки йил ичида нашрдан чиқаришини унга маълум қилади. Бироқ, 1961 йили Рео оламдан ўтади ва китоб қачон нашрдан чиқиши маълум бўлмай қолади. Арнасон 1963 йили Американинг Массачусет штатидаги Вустер бадий музейга таклиф қилинади ва унга Гудон асрлари кўргазмасини ташкил қилиш ҳамда тўлиқ каталогини тузиб чиқиш таклиф қилинади. 1964 йилнинг бошида Арнасон муаллифлигида биринчи каталог нашрдан чиқарилади, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, яъни шу йилнинг 16

январидан бошлаб 23 февралга қадар Гудон асарларининг кўргазмаси ҳам ташкил қилинади.

1964 йилда Луи Рео муаллифлигидаги Францияда Гудон ижодига бағишланган китоб нашрга берилади ва 1965 йили нашрдан чиқарилади. Ушбу китоб ҳақида Арнасон “сўнгги бир юз эллик йил ичида Гудон ижодига бағишланган энг бебаҳо ҳужжатлар жаъмланимси ва илмий тадқиқот”-деб ёзади.

Арнасонни китобининг рус тилидаги таржимаси 110 бет ёзма матн ва 144 та ижодий асар фото нусхаси, библиографик маълумот, фото суръатлар олинган манбаалар, Гудон асарлари сақланадиган жойларнинг манзиллари каби қимматбаҳо илмий манбааларни ўзида жаъмлаган тадқиқот иши саналади. Ҳаттоки, унда Гудон асарларини остига йиғирмадан ортиқ хилдаги ёзиб қўйилган дастхатларининг фото нусхалари ҳам келтирилган.

Ҳурматли устоз Неъмат Убайдуллаевич Абдуллаевнинг Олий юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинган Санъат тарихи 2/1(Тошкент – 2001) китобида Гудон ижоди ҳақидаги ўзбек тилида берилган илк манбаа билан танишиш мумкин. Афсуски, унда ҳам атига бир бетлик маълумот келтирилган бўлиб, бирорта асарининг фотоси ҳам берилмаган. Шунга қарамасдан ушбу китобда Гудоннинг машҳур асари “Экорше” қачон яратилганлиги ҳақидаги илк ўзбек тилидаги маълумотни олишимиз мумкин. Ботир Бойметовнинг Қаламтасвир<sup>3</sup> китобида “Бош мушакларининг анатомик тахлили” мавзусида Экоршеннинг гипс намунасида фойдаланиш бўйича жуда яхши тавсиялар берилган. Бирок, унда ҳам асар ёки уни муаллифи ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

---

<sup>3</sup> Ботир Бойметов. Қаламтасвир. Т.; 2006. 179-184 бб.

## Гудонни санъат оламига кириб келиши.

Жак Гудон ва Анна Рабашларнинг фарзанди бўлган Жан-Антуан Гудон 1741 йилнинг 25 март куни Версалда таваллуд топади. Гудоннинг отаси оддий деҳқонлардан бўлиб, онаси Аннанинг акаси ва отаси Версал хнёбонларида боғбон бўлиб ишлашган. Жак Гудоннинг уч ўғил ва тўрт кизи бўлиб, улардан тўртинчи фарзанд бўлган Жан-Антуан Гудонгина рассом деган буюк шон-шухратга эришади. Катта ўғли Жак-Филипп декоратив санъатни ҳайкалтарош Мишель-Анж Слодддан ўрганади, каламтасвир устаси ва декоратор сифатида танилади, аммо у ҳам Жан-Антуан даражасига етаолмайди. Бирок, Жак-Филипп укаси Жак-Антуанни касб танлашига қайсидир маънода сабабчи бўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

1749 йили граф Делмоттнинг Париждаги уйи Академия тасарруфидаги “Танланган ўқувчилар мактаби” учун арендага берилади. Бу ерда ҳайкалтарошлик ва рангтасвирдан биринчи даражали мукофотга сазоввор бўлган Академия ўқувчилари Римга жўнаб кетишларидан олдин тахсил олишган. Уларнинг орасида юрган ёш Жан-Антуан бир сўз билан айтганда рассомлар орасида улғаяди. 1756 йили Қироллик Академиясига расмий тарзда ўқишга қабул қилинади ва ҳайкалтарошлик асари учун учинчи даражали мукофот билан тақдирланади.

Йигирма ёшида, яъни 1761 йили “Сав Маликаси Сулаймон (а.с)га тухфа бермоқда” баральефи учун биринчи даражали мукофотни қўлга киритади. Унинг асосий устози Рене-Мишель ( Мишель-Анж номи билан танилган) Слодц ҳисобланади. Аммо, у Жан-Батист Лемуан ва Жан-Батист Пигал каби академиклар раҳбарлиги қўл остида ҳам ишлайди. Қўлга киритган биринчи даражали мукофоти уни олти нафар иктидорли ўқувчилардан иборат бўлган “Танланган ўқувчилар мактаби”дан жой олишига асос бўлади. Бу ерда у Римга кеттунига қадар, яъни 1761-1764 йиллар давомида бошқа ўқувчилар каби мрамарга ишлов бериш билангина чекланиб қолмасдан тарих ва мифология курсларида ҳам тахсил олади. Бу

курснинг мақсади ўқувчиларни антик даврнинг классик меъроси асосида дунёкарашини, фикрлаш оламини бойитишдан иборат бўлади.

Гудон бу даврда Европада кенг тарқалган академик тизим асосида ҳайкалтарошлик билан шуғулланишни бошлаган кезларидаёқ унинг турмуш тарзи ва ҳаёт йўли аниқланиб бўлинган эди. У шу тизим асосида барча рассомлар бир қолипга солинган, чегаралаб қўйилган ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1764 йили пенсионер рассом сифатида Римга жўнаб кетишидан олдин Рангасвир ва декоратив амалий санъат Академиясининг ўзига хос сараланган шохобчаси бўлган “Танланган ўқувчилар мактаби”да саккиз йил тахсил олади. Бу давр мобайнида у жорий қилинган тизимга асосан бир нечта ҳайкалтарош-академикларнинг устахоналарида уста ёрдамчиси сифатида ишлаганлиги таъкидланади. Аммо, сақланиб қолинган илмий манбааларда, ҳужжатларда эса уни битта ўқитувчиси – Мишель-Анж Слодц қайд этилган ҳолос. Академия талабига кўра ўқитувчиларни алмаштириб турилишидан мақсад ўқувчиларни бир эмас, бир нечта ижодкорнинг ижодий услуби, ғояси ва маҳорати билан танишиб бориши кўзда тутилган. Шунингдек, академия томонидан ўқувчиларни Лувр каби ҳозирда жаҳонга машҳур бўлган музейи ва киролик жамғармаси ҳамда шахсий жамғармалардан жой олган ўтмиш маданияти, бошқа халқлар ва миллатларнинг санъат асрлари билан таништириш йўлга қўйилган.

Шу ўринда Гудонни Римга жўнаб кетишидан олдинги шахсий ҳаёти ҳақидаги илмий маълумотлар ҳозирга қадар ҳам аниқ эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Рассом ҳаётида асосий ўринни эгаллаган Римдаги фаолиятини биз алоҳида ўрганишни мақсад қилиб олдик, чунки бу давр унинг кейинги турмуш тарзи ва ижод йўлини белгилаб берган. Қолаверса, ҳозирги даврдаги барча санъат ихтисослашган ўрта махсус ва олий ўқув юртларида натура сифатида ўрганиб келинадиган “Экорше” асари ҳам айнан шу даврда яратилган.



## Ҳайкалтарошнинг Римдаги ижодий фаолияти

Жан-Антуан Гудонни Римдаги ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари билан танишиш жараёнида бизга шу нарса маълум бўлдики, уни болалик кезлари сингари ушбу даврга оид расмий ҳужжатларнинг аксарияти йўқолиб кетган. Бизгача айримларигина етиб келган холос. Борларидан ҳам расмонинг қобилияти, маҳорати нечоғлик юқори даражада бўлганлигини билишимиз қийин эмас.

Римда ишлаган асарлари асосан бешта деб юритилади ва улар; “Башоратчи” (“Весталка”. 1767-1768, ушбу асарнинг турли хил материалларда бажарилган бир нечта вариантдаги нусхаси мавжуд), “Экорше” (Анатомик қомат, 1766). “Илохий Бруно” (1766-1767, гипс, кичрайтирилган нусхаси, Шлосс музей, Гота), “Чўқинтирувчи Илохий Иоани” (1766-1767, гипс этюд, Боргезе вилласи, Рим), “Рухоний Луперкали” (тах. 1768, Гота)лардан иборат ҳисобланади. Шунингдек, Салоннинг 1769 йилги каталоги рўйхатидан жой олган “Фрескатилик деҳқон қиз” (Гота) ва Салоннинг 1771 йилгисидаги рўйхатдан ўтган ёш йигитнинг иккита бош ҳайкалини ҳам Гудоннинг Римдаги давридаги ижоди рўйхатига киритиш мумкин<sup>4</sup>.

Рим совринини қўлга киритган Француз расмонлари классик санъат асарларидан аввало маҳоратларини ошириш учун нусха олишлари шарт бўлган бўлса, бошқа томондан эса франция киролик жамғармасини ҳам шу тариқа бойитиш кўзда тутилган эди. Шундай ишлар жумласига ҳайкалтарошнинг “Фолбин” ва йўқолиб кетган “Кентавр” асарларини киритиш мумкин бўлади. Гудон бутун умри давомида вақти-вақти билан классик афсоналарга, қадимий ва бой тарихга мурожаат қилади, лекин у портретларида классик ғояларга асосланган бўлишига қарамасдан ўзига хос услубда талқин қилган.

<sup>4</sup> Г. Г. Арнасон. Скульптура Гудона. М.; 1982. 18.б.

Аксарият тадқиқотчилар Гудонни портрет ҳайкалтарошлигида эришган ютуқларига асосий диққат-эътиборларини қаратганлари ҳолда ҳайкалтарошнинг “Башоратчи” асари унинг бутун умри давомида кўзга яққол ташланадиган классик чизик гузаллигини ўзида тўлиқ намоён қилишини назардан четда қолдириб келишади. Аслида эса айнан шу классик услуб уни портретларини юқори даражада сифатли бўлишини таъминлайди.

Ушбу асар кўплаб манбааларда биринчи мартаба 1774 йилда ишланганлиги ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. Бизнингча эса ушбу асарнинг илк нусхаси уни Римдаги ижодий фаолияти давомида яратилган десак ҳато бўлмаса керак. Чунки, Гудон 1777 йили асарнинг бронзадан ишланган вариантыни париждаги Салонда (№ 255) кўргазмага қўяди ва у ердаги каталог (Livret)да асарга шундай изоҳ берилган: Бронзадан ишланган “Башоратчи” Римда сақланаётган, Пандора номи билан танилган мрамор статуя асосида ишланган. У 23 дюм ўлчамга эга бўлиб, у тунги лампа вазифасини бажариш учун яратилган. Бундан ушбу асар ҳайкалтарош томонидан бажарилган Римдаги илк асарининг нусхаси эканлигини келиб чиқади. Шу даврдан бошлаб кичкинагина “Башоратчи” асарини турли хил материалларда ишланган нусхалари ҳақида кўплаб каталог ва расмий ҳужжатлардаги маълумотларни учратамиз, бундан эса ушбу асар қанчалик машҳур эканлигини билишимиз мумкин.

Шу ўринда ҳайкалтарош нима учун ушбу асарини 1777 йилдан олдин кўргазмага қўймаган? - деган ҳақли савол туғилиши табиий. Буни эса сира ажабланадиган жойи йўқ. Чунки, кичкинагина ушбу асар ҳайкалтарошнинг талабалик кезларидаги иши бўлиб, у антик давр ҳайкалтарошлигидан эркин тарзда олинган нусха ҳисобланади. Қолаверса, тунги чироқ вазифасини ўтовчи декоратив безак ҳисобланган ушбу асарини аввал бронзадан қуйиб олиб, унинг терракота ва гипс нусхаларини





Башоратчи. Мармар, 1787, Нью-Йорк, Вильденштейн ва К.



Башоратчи. Терракота, 1768. Нью-Йорк, Вилбденштейн ва К.



Башорагчи. Мармар, 1768. Париж, Лувр.

сотиб юрган Гудон ушбу кичкина асари шу даражада ахамиятли эканлигини ҳатто тасввур ҳам қилмаган. Бир сўз билан айтганда эса ҳайкалтарош унга оригинал санъат асари сифатида қарамаган.

Ҳозирга келиб ҳайкалтарошнинг кичкинагина “Башоратчи” асарининг гипс, мрамор, терракота, бронза каби турли хил материаллардан ишланган нусхалари дунёнинг қўплаб музейларида сақланиб келинмоқда. Жумладан, гипс нусхаси Фрик бадий музейи (Питтсбург)да, терракота нусхаси эса Вильденштейн галереяси (Нью-Йорк)дан жой олган. Гипсдан ишланган нусхаси Шлоссмузей (Гота) мулки сифатида ёзма манбааларда қайд этилган, бироқ, нусха эса у ерда йўқ, уни йўқолганлиги ёки синиб кетганлиги тахмин қилинади. XVIII аср ҳайкалтарошлигининг бебаҳо асарларидан бири бўлган “Башоратчи” ҳайкалтарош қўли билан яратилган қадимги грек илоҳи, фариштасининг жуда ҳам таъсирчан чиққан сиймоси саналади. Гудонни ушбу асарининг Луврда сақланидиган яна бир мрамор нусхаси бўлиб, уни остига (“houdon, f. 1788”) деб ёзиб қўйилган. Қўплаб санъатшунос олимларнинг фикрига кўра у олдингисига деярли жуда ҳам ўхшаш, лекин, бироз бўлсада олдингисидан фарқ қилади. Жумладан, торс бироз узун, мато ҳам озроқ ўзгарган, кўзнинг тузилиши олдингисида айлана бўлса, бунисида квадрат шаклини ҳосил қилади.

Шу ўринда Готага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Герцог Саксен-Готский биринчилардан бўлиб Гудон ижодига юкори баҳо берган ва уни ўз ҳимоясига олган одам ҳисобланади. У ҳайкалтарошни римдаги ва унга яқин бўлган давридаги қўплаб портрет-бюстларини сотиб олиш билан биргаликда унга биринчи бўлиб “Диана” ҳайкалини ишлаш вазифасини ҳам топширади. Ҳозирга келиб қўплаб илмий манбааларда герцог томонидан жамғарилган асрлар ёнига қисқа қилиб Гота музейи ёки Шлоссмузей деб ёзилади. Айнан Гота томонидан тўлиқ бўй-басти билан ишланган “Башоратчи” билан биргаликда, уни бюсти ҳисобланган “Фрескаттилик деҳқон қиз”, “Чўқинтирувчи Илоҳий

Иоанн”нинг боши ҳисобланадиган “Илоҳий Бруно” ҳамда “Рухоний Луперкали” асарларини ҳам сотиб олинади. Шунингдек, 1769-1770 йиллари ҳайкалтарош Парижга қайтганидан кейин натура ўлчамида ишланган “Экорше” ва Морфей” асарлари ҳам Гота томонидан харид қилинади.

Гудоннинг Римда яратилган яна бир асари “Фрескаттилик деҳқон қиз” бўлиб, номланишининг ўзидан ҳам кўриниб турибди, у ҳам ҳайкалтарошнинг Италиядаги ижод махсули саналади ва у ўзида аниқ бир модел портретини мужассамлаштиради. Бирок, ушбу асар ҳам олдинги “Башоратчи” асари сингари бирмунча илоҳийлаштирилган классик бош ҳисобланади. Асарда Фрескаттилик деҳқон қиз эмас, балки ҳайкалтарош ёқтирган антик давр илоҳий маъбудаси акс этган дейиш мумкин. Чунки, қиз абстракт даражада донишманд кифоасида тасвирланган, ҳаттоки орқага ташланган сочи ва ундаги тўғноғичи ҳам ҳаддан зиёд нозик ва гўзал қилиб ишланган бўлиб, у деҳқон образига мос келмайди. Сочи эса табиий вазнини хис қилиш мумкин бўлган даржада енгиллик билан ишланганки, бундан Гудонга хос латофатни, чизик гўзаллигини кўришимиз мумкин бўлади. Ҳайкалтарошни ушбу асарининг ҳам кейинчалик ишланган иккита мармар нусхаси бўлиб, улардан бири Франция (“Hudon. Sculptist. 1774”. Коньяк-Жей музей, Париж)да, иккинчиси эса Россия (“Hudon. F. 1775”, Эрмитаж, Санкт-Петербург)да сақланади. Уларда бошқа гипс нусхаларини ишқаланиши натижасида бироз бўлсада йўқолиб кетган чизик гўзаллигини, нозик пластикани янада яққол кўришимиз мумкин. Бу асарларининг олдингиларидан фарқи кўзда бўлиб, неоклассицизм услубига хос тарзда кўзлар кўр қилиб ишланган.

Ҳайкалтарошнинг энг бебаҳо асарларидан бири бўлган “Экорше” ҳам уни Римдаги ижод махсули ҳисобланади. Гудонни ушбу асари “Башоратчи” асарининг акси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу икки қарама-қарши услубдаги асарлар ёш ҳайкалтарошнинг маҳорати қай даражада юқори эканлигидан далолат беради. Рисоламининг кейинги

бўлимида ушбу асарга алоҳида тўхталиб ўтамиз Биз унда айнан Экоршени яратилишига ва уни тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

Гудонни антик давр ҳайкалтарошлигидан илҳомланган дейиш мумкин. Чунки, бу пайда Антик давр ҳайкалтарошлигидан андоза олган Бернинининг ҳайкалтарошлик анъаналари XVIII аср Рим санъатида ўзига хос етакчи аҳамият касб этиб келар эди. Ишлаш услуги жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамасдан Гудон ўзининг буюк ҳамкасби Бернини ижодини ўрганган бўлса ажаб эмас. Чунки, Гудоннинг “Руҳоний Луперкали” асарида Бернинининг “Апполон ва Дафна” асаридаги ҳолатни, айниқса, “Боргеза жангчиси” асарининг туриш ҳолатини кўрамыз.

Шундай қилиб, Гудонни Римда тахсил олган даврдан сақланиб қолган бир неча асаридан ҳам уни тасвирлашнинг ифода воситасидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятига эга эканлигини ҳамда жиддий реализм, классик идеализм ва барокконинг экспрессив услубларини ўзида мужассам этган кенг қамровли тадқиқотларини ҳам гувоҳи бўламиз. Ҳайкалтарош учун бу давр ўзининг кейинги ҳаёти ва ижодини белгилаб олиш учун улкан маҳорат мактаби вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Энг асосийси портрет устаси саналган Гудоннинг ўзи 1769 йилга қадар, яъни 28 ёшигача бўлган даврда ишлаган бирорта портретини рўйхатга киритмаган. Бундан хулоса қилиб, у бу даврда ўзини талаба деб билган Гудон катта ҳайкалтарошлик даъвосини қилмаганди. Қолаверса, Француз Академияси учун портретни мавқъе анча пастда бўлиб, хатто натюрмортдан ҳам паст назар билан қаралган.

### **Ижодкорнинг “Экорше” асари ва уни тарихий аҳамияти**

Гудон узоқ вақт одам анатомиясини ўрганиб, ўзининг машҳур асари бўлган анатомик ҳайкал Экорше (териси олиб ташланган эркак ҳайкали)ни яратади<sup>5</sup>. Ушбу мускуллари терисидан ажратиб олинган тарзда ишланган

<sup>5</sup> Н. Абдуллаев. Санъат тарихи. 2/1. Т.; 2001.42-бет.



эркак хайкали ва уни қисмларининг нусхаларидан мана икки юз эллик йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Европа, Америка ва Осиёнинг барча санъатга ихтисослашган ўрта махсус ва олий ўқув юртларида натура сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Ушбу асарнинг яратилиши, тарихий аҳамияти ҳамда ундан ўқув юртларида фойдаланиш масаласига кизиқиб керакли бўлган илмий маълумотларни кидирганимизда, афсуски, ўзбек тилида аввал таъкидлаб ўтганимиздек Н. Абдуллаевнинг Санъат тарихи китобида берилган қисқа маълумотларни топа олдик холос.


Гудонни Франция Академиясининг Римдаги бўлимида тахсил олган дўсти Христиан фон Манлих туфайли ушбу бебаҳо асарнинг яратилиш тарихини билиш мумкин. Манлих кундалик тутиб, ушбу асарнинг дунёга келиш тарихини батафсил ёзиб юрган Гудоннинг дўсти ҳисобланади. Унда шундай деб ёзилган: “1766 йили Гудон ҳали талабалик йилларидаёқ етук рассомларга хос бўлган буюртмани олади. Санта мария дельи Анжели картизиан черковининг рухонийси бўлган Андре ле Массон иккита маҳобатли статуяга; “Илоҳий Бруно” ва “Чуқинтирувчи Илоҳий Иоанн”ни ишлаш учун Гудонни танлайди. 1766 йилнинг 16 июль куни Академия директори Шарль Натуар рангтасвир, хайкалтарошлик ва меъморлик Академияси васийлик кенгаши раҳбари маркиз Мариньига ва Академиянинг француз киролик кенгаши бош директорига мактуб йўллайди. Ушбу мактубда Натуар Гудонга қилинган таклифни очиқ-ойдин ғурур билан ёзади. “Мен уни ушбу гоёни ғурур билан қўллаб-қувватладим ва у танлаган жисмлари жуда ҳам зарурлигини маъқулладим; шундай қилиб ёш хайкалтарош иш бошлади ва жуда ҳам яхши модел тайёрлади, ҳозирда эса уни катталаштирмоқда”. Шу тариқа 1766 йил ушбу иккита хайкал устида иш қизгин бошланади.

Манлихни кундаликларидан маълум бўлишича, у Гудон билан биргаликда француз илоҳийси бўлган Людовий касалхонасига бирга боришади ва у ерда жаррох Сегюир Гудонга ўлиқлар ёрдамида

анатомиядан сабоқ беради. Гудон “Чуқинтирувчи Иоанн” асари анатомик хомаки нусхаси учун жуда кўп вақтини бағишлайди. Иш жаррох Сегюир томонидан ҳам, хайкалтарошлар ва санъат ихлосмандлари томинидан ҳам жуда юқори баҳоланади. Барчани фикри бир жойдан чиқади ва инсон томонидан хозирга қадар яратилган анатомик хайкаллар ичида энг яхшиси шу эканлигига эълон қилишади ва хайкалтарошни ҳам ушбу асардан гипс қолип олиб, бир неча нусха олишга кўндиришади. Шу тарика жаҳонда сўзсиз тенги йўқ ва энг севимли анатомик модел “Экорше” дунёга келади.

1767 йилнинг 11 феврал куни Натуар Мариньига яна мактуб йўллайди. Унда эса ушбу асарнинг жуда ҳам бебаҳо эканлигини яна бир қарра таъкидлайди ва Академиянинг Римдаги бўлими учун унинг гипс нусхаси харид қилиш учун рухсат сўрайди. Гудоннинг ушбу асари французча “Экорше” номи билан дунёнинг жуда кўплаб давлатларида маълум ва машхур бўлиб кетади. Хайкалтарошнинг ушбу асари жиддий реализмнинг кадри нақадар юқори эканлигини таъкидловчи илк қўлланма сифатида ҳам оламга донғи кетади. Хайкалтарош ўлчамлари янада аниқ ифодалаш учун имконият туғилганида мархумларнинг ўзидан нусха олганлиги ҳам маълум. Жумладан, Жан-Жак Руссо ва Мираболарни ўлганидан кейин қўйилган бюстлари учун мархумларнинг юзидан шам маскаларини олади.

Шу тарика, биз Гудоннинг “Экорше” асарини мархумларнинг ҳар бир мушакларини, унинг қисмларини аниқ ўрганиш, таҳлил қилиш асосида яратилганлигини билиб олдик. Қизиғи, Гудоннинг “Башоратчи” асари классик модел асосида умумлашган, илоҳийлаштирилган сиймо бўлса, “Экорше” эса унинг акси ҳисобланади ва аниқ натура асосида ишланган реализмнинг гўзал намунасидир. Ундаги қомад охиста ҳаракат асосида акс эттирилган, чап қўл эркин ҳолатда пастга туширилган бўлса, ўнг қўл олдинга узатилган тарзда акс эттирилиб, гўёки кимгадар буйруқ бериш ёки



Экорше (Мускуллари терисидан ажратилган одам).  
Гипс, 1766-1767. Париж, Нафис санъат мактаби.

уни гунохларидан ўтишга шайлангандек маънони англатади. Ҳайкалнинг туриш ҳолати, олдинга узатилган қўли ҳозирда сақланиб қолган “Чўқинтирувчи Илоҳий Иоанн” асарининг нусхасига ҳам кўчириб ишланган. Ушбу асар эрамиздан аввалги V аср грек санъатига хос бўлган куч ва илоҳийлик ифодасини уйғотувчи таассуротни ўзида намоён қилади. Бу статуяни “Микеланджело ишлаган “Исо а.с.” (Христос) билан ўхшашлиги бор”- деб ҳам қаралади. Чунки, у асар ҳам Римда сақланади ва уни “Гудон кўрган бўлиши ва уни ҳар томонлама ўрганиши мумкин эди”- деган қарашлар мавжуд. Устози Мишель-Анж Слодц ҳам Микеланджело асридан нусха олаганлиги ёш ҳайкалтарошга ўз таъсирини ўтказган бўлиши мумкин. Асарнинг бирмунча янада аниқроқ прототипи рим императори “Август” ҳайкали ҳамда Поликлетнинг “Дорифор” асарининг рим нусхаси ҳисобланади. “Экорше” инсоннинг эркин туриш ҳолатини классик намунасини ўзида яққол намоён қилади, терисиз акс эттирилган муқоллар эса унга фожиали кўриниш бағш этади.

“Экорше” асосида ишланган “Чўқинтирувчи Иоанн” асарининг мрамор нусхаси тугалланмай қолиб кетади. Чунки, бу пайтга келиб Гудоннинг Рим Академиясидаги ўқиш муддати ҳисобланган 4 йил тугаб қолади ва унда тезроқ Парижга қайтиш истагида бўлади. Ушбу асарнинг гипс нусхаси Санта Мария дельи Анжели черковига ўрнатилади ва у ерда 1894 йили тасодиф туфайли синиб кетгунига қадар туради, кейинчалик эса бутунлай йўқ қилиб ташланади.

1769 йили Салонда кўргазмага қўйилган кичрайтирилган нусхаси кейинчалик бузиб ташланган “Чўқинтирувчи Илоҳий Иоанн” асарига ҳам “Экорше”нинг асл нусхасига мос келмайди. Боргезе вилласига ўрнатирилган ушбу ҳайкалнинг биринчи гипс нусхасида ҳам “Экорше”да ҳам аввал таъкидлаб ўтганимиздек, ҳайкалнинг ўнг қўли кўтарилган ва олдинга узатилган ҳолда бўлса, кейинги нусхасида эса ўнг қўл бошни устига кўтарилган ва букланган ҳолда акс эттирилган. 1792 йили бронзадан куйиб



Чўқинтирувчи Илоҳий Иоанн. Гипс, 1766-1767. Рим, Боргезе вилласи.

олинган нусхаси ҳозирда Франциянинг Париж шаҳридаги Нафис санъат мактабида сақланади ва унда ҳам кейинги ҳолат ақс эттирилган. Шунингдек, ҳайкалтарошнинг “Илоҳий Иоанн Креститель” асарининг Гота музейида сақланадиган, ҳақиқий ўлчамидан бироз катта ишланган бош кўринишидан асарнинг асл ҳажми қанча бўлганлигини аниқлаб олса бўлади.

Гудоннинг “Экорше” асарининг биринчи нусхаси бўладими ёхуд кейинги нусхалари, қатъий назар уларнинг барчасида инсон тана тузилиши ва мускуллари жуда ҳам катта аниқликда, беҳато ишланганки, ундан завқланмасликни, ҳайратланмасликни сира ҳам иложи йўқ! Дарҳақиқат, ҳайкалтарош ўзидан кейинги авлод учун бебаҳо ёдгорлик қолдириб кетган.

Замонавий таълим тизимида санъатга ихтисослашган лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида Гудон ишлаган “Экорше” асари инсон мукулларини ўрганишда пластик анатомия, ҳайкалтарошлик, каламтасвир, академик каламтасвир асослари каби кўнлаб ихтисослик ўқув предметларида энг керакли кўргазмали қурол сифатида фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларининг 5110800-“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” бакалаврият таълим йўналиши ихтисослик блоки ўқув предметларининг асоси бўлган “Қаламтасвир” ўқув предметидан 2-босқич талабаларига намунавий фан дастурида “Кесик бош тасвирини ишлаш (Гудон)”, “Экорше асосида одам бош мушакларини ишлаш” мавзулари берилган. 3-босқич талабаларига эса “Одамнинг гипсдан ясалган анатомик намунаси тасвирини ишлаш”, “Гудоннинг анатомик гипс гавда моделини ишлаш”, “Оёқ панжасининг гипс моделини тасвирлаш”, “Типс модел асосида қўл панжаларини ишлаш” каби мавзулар берилган. Ушбу мавзуларни ишлашда талабалар бевосита “Экорше” нинг гипс нусхаси тасвирини ишлаш асосида одам анатомиясини ўрганадилар.

Жан-Антуан Гудон ўзидан кейинги тасвирий санъат таълими ривожига жуда ҳам катта ҳисса қўшган етук ҳайкалтарош эканлиги

юкоридаги биргина мисолдан ҳам яққол кўриниб турибди. Гудонни нафақат Экорше асари, балки унинг жуда ҳам кўплаб бюстлари, статуялари ўсиб келаётган ёш авлод учун намуна сифатида фойдаланса бўладиган бебаҳо ҳайкалтарошлик намуналар саналади.

Гудон тириклик чоғидаёқ ўзининг асарларидан мармар, терракота, гипс каби турли материалларда жуда кўп нусхаларни ишлаган. Ундан ташқари бошқа ҳайкалтарошлар томонидан ҳам унинг асарларининг нусхалар олинган буюк ҳайкалтарош ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳеч бир киши унинг асарларининг нусхаси қанча эканлигини, миқдорини аниқ айтиб бераолмайди. Биз ҳам рассомнинг қирққа яқин асари ва уларнинг деталларинигина илова тариқасида келтириш билан чекланишни лозим топдик. Чунки, унинг ижодига мансуб асарлар шу даражада кўпки, уларнинг ҳар бирига кичкинагина рисоламизда тўхталишининг сира ҳам иложи йўқ. Қолаверса, кейинги тадқиқот ишларида уни портретларини, тўлиқ қоматда ишлаган маҳобатли ҳайкалларини, оиласига бағишланган асарларини, давлат арбоблари, ҳукумат раҳбарлари ҳайкаллари ва бюстларини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирга қадар ҳам замонавий ҳайкалтарошлар томонидан рассом асарларидан мунтазам равишда гипс нусхалар олиб келинади. Айниқса, “Экорше” асарининг гипс нусхасидан барча санъатга ихтисослашган ўқув юртларида фойдалиниб келинаётганининг ўзи ҳам фикримизнинг яққол исботи ҳисобланади. Шунинг учун талаба-ёшлар Гудоннинг “Экорше асарининг нусхаси”- деб эмас, балки гипс нусхасини “Гудон”- деб аташлари бежиз бўлмаса керак. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин бўладики, рассомнинг асари ва унинг номи билан бир маънони, уйғунликни кашф этиб кетган.

## Жорж Вашингтон ҳайкалини яратилиши тарихи

Гудон 1768 йилнинг ноябр ойида Римдаги тўрт йиллик мажбурий ўқишини тамомлаб, Парижга қайтганидан кейин ижодга шўнғиб кетади. Аксарият Академиянинг ўқувчилари Римда антик давр санъатига ошик бўлганликлари боис Пуссен ва Клод Лоррендан ибрат олган ҳолда Римда бутунлай, бир умрга қолиб кетишади. Бу пайтга келиб ҳайкалтарошнинг шахсий маблағи, жамғармаси бўлмаганлиги боис яна ота-онаси, опасинглиси ва ака-укаларидан моддий ёрдам сўрашга мажбур бўлади.

Салонда кўргазмаларда қатнашиб, ўзини кўрсатиши учун эса яна Академияга қабул қилиниши керак бўлган. Қироллик ҳомийлиги остида бўлган Салонгина у учун асарларини тамошабинга кўрсатиши мумкин бўлган ягона жой ҳисобланар эди. Хеч бир қийинчиликсиз Салонга қабул қилинган Гудон 1769 йилнинг 25 августида кўргазмага илк бор асарларини кўяди. Шу тариқа уни Салон билан ҳамкорлиги узок вақт давом этади ва ундаги кўргазмаларни каталогларида Гудонни асарлари йилма-йил қайд қилиб борилади. Жумладан, 1771, 1773, 1775, 1777, 1779, 1781, 1783, 1785 йиллардаги кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси сифатида барча расмий ҳужжатларга Гудоннинг асарлари киритилган.

Шундай кунларнинг бирида яъни 1784 йилнинг 24 октябрида Америка Қўшма штатларининг Виргиния штатининг Қонунчилик йиғилиши генерал Жорж Вашингтоннинг мармар статуясига буюртма беришни қарор қилади. Бу даврда Америка қўшма штатларида давлат аҳамиятига молик даражадаги ушбу буюртмани бажара оладиган етук, малакали ҳайкалтарошнинг йўқлиги боис, уни Европалик ҳайкалтарошларга буюртма асосида бажартириш кўзда тутилган эди. 1784 йилнинг 22 июл кун Виргиниянинг губернатори Американинг Франциядаги элчиси Томас Джефферсонга мактуб йўллаб, “Йиғилишнинг хохишига кўра статуя энг мохир кўллар ёрдамида бажарилиши керак”лигини маълум қилади. Бунга жавобан 1784 йилнинг 10 декабрида



Париждан Джефферсон Вашингтонга “Менимча, жаноб Гудон дунёда энг яхши ҳайкалтарош мақомига эга деб ҳисоблайман. Унга одам юбордим ва биз у билан ушбу мавзу юзасидан гаплашиб олдик. Уни фикрига кўра рангтасвир асари асосида яхши ҳайкал ишлаб бўлмас экан. У бу буюртмани жон дили билан бажариш иштиёқида, сизнинг бошингизни натурадан ишлаш учун Америкага боришни талаб қилмоқда ва бу даврда барча бошқа ишларини ташлашга ҳам тайёр.

Натурадан бошингизнинг гипс моделини олиш учун у сиз билан уч ҳафта бўлишни етарли деб ҳисоблайди, иш тўлалигича эса уни уч йил вақтини олади. Гудон ҳозирда Франция қироли статуясини ишляпти. У томонидан бажарилган Вольтер бюсти эса дунёда тенгсиз” деб жавоб йўллайди.

Иккинчи маротаба 1785 йилнинг 12 январ куни Джефферсон Гаррисонга яна мактуб йўллайди. Унда Парижлик Гудонни мавқъеи жуда ҳам баландлигини, унга Европада бирорта ҳайкалтарош тенг кела олмаслигини ва Европадаги жуда кўплаб ҳукмдорларнинг ҳайкалларини айнан Гудон бажарганлигини баён қилади. Франция қиролининг статуясини тугалланмаган ҳолда ташлаб бўлса ҳам Америкага бориб, Вашингтонни ҳақиқий қиёфасини кўриб, уни ўлчамларини асладан олишга тайёрлигини маълум қилар экан, статуя ҳақиқий ўлчамда бўлишига келишиб олганини ҳам маълум қилади.

Америкаликлар Жорж Вашингтоннинг ҳайкалини Европада ишлатиш мақсадида рангтасвирчи рассом Чарлз Уилсон Пилга рангтасвир асарини ишлатишади. Ҳаттоки, ҳайкалтарошга ёрдам бўлиши учун асарнинг орка планига Йорктаун кўринишини ҳам тасвири ишлатилади. Гудон эса бировнинг тасвири орқали эмас, балки оригинал асосида ишлашини талаб қилади. Қолаверса, Гудон Вашингтоннинг отлик ҳайкалини ишлашга буюртма олиш учун бу иши асос бўлишини яширин тарзда орзу қилиб юради. Гудонга маҳобатли ҳайкал ишлаш иштиёқи тинчлик бермас эди. Бунга эса уни Фальконе томонидан 1778 йили ишлаб,

тугалланган Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида рус императори Пётр шарафига ўрнатилган отлик ҳайкали ва уни дунёга кетган шуҳрати илҳомлантиради.

Шу тариқа Франция ва Америка мутасадди вакиллари томонидан бир неча маротаба ўзаро мактублар ёзилади. Буларнинг барчасига эса тўхтаб ўтишни биз лозим топмадик ва асосан ҳайкалнинг ўзига эътиборни қаратамиз. 1785 йилнинг 14 сентябрида Филадельфияга уч нафар ёрдамчилари билан етиб келган Жан-Антуан Гудон Жорж Вашингтон билан учрашади ва уни бюстини бошлаб юборади. Айрим манбааларда ҳайкални олдин гипсдан қуйиб олинган нусхаси асосида терракотаси олинган дейилса, бошқаларида эса олдин терракота нусхаси ишланган дейилади. Жумладан, Гудон томонидан ўша даврда ишлаб Маунт Вернонда қолдирилган (Hudon. F. 1785) бюстнинг терракота модели ҳозирга қадар ҳам у ерда сақланиб келинмоқда. Бизнингча эса ушбу терракота нусхасидан кейинчалик бир ёки бир неча гипс нусхаси олинган бўлса керак.

Гудон 1785 йил Парижга қайтиб келади, уни ортидан алоҳида жўнатирилган Жорж Вашингтоннинг гипс бюсти эса 1786 йилнинг май ойида Францияга етиб келади. 1789 йилга қадар Америкада губернатор лавозимида фаолият олиб борган Морис Францияга элчи сифатида юборилади ва унинг кундалигидаги ёзувларга асосланадиган бўлсак, айнан у ҳайкал учун 5 июндан бошлаб манекен сифатида туриб берган. Тугалланган ҳайкал эса 1796 йилнинг январ ойида Америка Қўшма Штатларига юборилади. 1803 йилга келибгина бу пайтда Франциядаги Американинг фавкулудда ва мухтор элчиси бўлиб фаолият олиб бораётган Джеймс Монроугина Гудон билан бюст учун иш ҳаққини тўлиқ ҳисоб-китоб қилади. Американинг дастлабки бешта президентларининг барчаси ушбу лойиҳани амалга ошишида иштирок этадилар.

Кутилганидек ҳайкалтарош Жорж Вашингтонни терракота, гипс, мрамор каби кўплаб ашёларда нусхаларини ишлайди, ҳаттоки бронзадан

ишланган нусхаси ҳам бўлган. Терракотадан ишланган замонавий либосдаги Вашингтон хайкалининг нусхаси остига “Hudon F. 1785” деб ёзил қўйилган бўлса, уни мато билан акс эттирилган яна бошқа бир терракота нусхаси эса Маунт Вернонда сақланади. Учинчи бир нусхаси эса Парижнинг жаҳонга машхур музейи бўлган Луврда ҳозирга қадар сақланиб келинмоқда. Шу кўринишдаги хайкалнинг мармар нусхаси эса Сара Хантер Келли (Нью-Йорк) хоним тўпламларидан жой олган. Унда асарга хайкалтарошнинг исми ёзилган, тамға босилган, лекин қайси йили ишланганлиги қайд этилмаган. Шундай йили қайд этилмаган яна бир нусха Миддендорф коллекциясидан жой олган бўлиб, унда ҳам Гудонни исми ёзилган, тамғаси босилган. Илк ишланган нусхаси сўзсиз Томас Джефферсон коллекциясидан жой олган бўлиб, XIX асрда у қуюқ бўёқ билан копланган. Айнан шунга ўхшаш мармар нусхасини эса Стокгольм Миллий музейи харид қилиб олган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Жан-Антуан-Гудон бошқа хайкаллар сингари Жорж Вашингтон хайкалини ҳам қўлаб нусхада ишлаган. Хайкал қанчалик қўп бўлишидан қатъий назар, у асосан уч хил вариантда бажарилган ҳисобланади. Терракотадан ишланган уччала вариантда ҳам бюст қўшимча мато билан акс эттирилган. Гипс ва мармар нусхаларида эса Вашингтоннинг лента ёрдамида боғлаб қўйилган сочи орқа томонга ташланган тарзда ишланган. Мато билан ишланган терракота нусхаларида соч орқа томонга ташланган бўлса, мармар ва гипсдан ишланган нусхаларида эса орқадаги сочи қирқиб ташланган кўринишда тасвирланган.

Кейинчалик Гудон неоклассицизм гоёларига мос асарлар яратади. Жумладан, Жорж Вашингтонни Тюильри саройининг Консуллик галереяси учун кейин ишлаган бюстини ҳам айнан ушбу гоёларга мос тарзда бажарган. Сочи тасвирлаш услуби олдинги мато билан акс эттирилган нусхаларга мос келади. Бу эса ўз навбатида файласуф-ҳукмдордан кўра қўпроқ қаҳрамон-Вашингтон, буюк даҳо, “Рим императори” сиймосини кўз



Джордж Вашингтон. Мармар. 1788. Ричмонд (Виргиния), Капитолий.  
Орка томондан кўриниши.



Джордж Вашингтон. Мармар. 1788. Ричмонд (Виргиния), Капитолий.  
Олд гомондан кўриниши.

олдимизда гавдалантиради. Гудонни Америкага қилган ташрифи ва яратган асари нафақат ҳайкалтарош учун, балки америкаликлар учун ҳам улкан аҳамият кашф этган давр бўлиб тарихда қолди.

### **Рассомнинг оилавий ҳаёти**

Гудонни оилавий ҳаёти уни Америкадан 1785 йили қайтганидан кейинги даврдан бошланган. Бу давргача ижод билан банд бўлган ҳайкалтарош оила қурмаган эди. 1786 йилнинг 1 июлида қироллик ташкилотининг хизматчиси бўлган Жан Ланглуанинг кенжа қизи Мари-Анж-Сесили Ланглуагага уйланади. Бу пайтга келиб Гудон қирқ беш ёшда, хотини эса йигирма ёшда эди.

Гудоннинг биринчи қизи Сабина-Маргарита-Жозеф 1787 йилнинг 25 февралда, иккинчи қизи Анна-Анж 1788 йилнинг 15 октябрида, учинчи қизи Антуанетта-Клод (уни эркалаб Клодина деб аташган) эса 1790 йилнинг 29 октябрида туғилган. Гудоннинг турмуш ўртоғи ва уччала кизлари ҳам уни бир неча бебаҳо ҳайкалларига модел сифатида хизмат кўрсатишган. Гудоннинг турмуш ўртоғи Мари-Анж-Сесили саройда тарбия топганлиги боис Гудондан ҳам кўпроқ билимли ҳисобланган. Серғайрат, шижоатли бўлган бу аёл эрининг расмий мактубларини ёзиш билангина чекланиб қолмасдан, унга буюртмалар олишда ва шартномалар тузишда ҳам катта ёрдам берган.

Бизга маълум бўлишича ҳайкалтарош одатда ўзи ўргатган ёрдамчилари билан, баъзан эса уни ишини тушунадиганлар билан бирга ишлаган. Улар орасида бирмунча таниқлиси Томир бўлган. Кўпчилик ёрдамчилар эса ўзини устахонасида ундан таҳсил олган ёш ҳайкалтарошлардан иборат эди. Бирок, уни устахонасидан бирорта ҳам таниқли ҳайкалтарош чикмаган ва бирор киши уни ўзининг устози деб айтмаган.

Уни никоҳида иккита ҳайкалтарош Жан-Франсуа Бодуэн ва Винсент Мазеттилар гувоҳликка ўтишади. Ҳайкалтарошга Мазетти Трувел

статуясини бажаришда қўмаклашган бўлса, Бодуэн иккиси биргаликда уни бошқа қўплаб ишларида ҳам ёрдамлашишган. Аммо, уларни бирортаси аҳамиятга молик бирорта асар яратган эмас.

1787 йили Салонда бир ёш аёл кишининг гипс бюсти пайдо бўлади. Салондаги каталогда (№ 258) уни исми расман қайд этилмаган бўлишига қарамасдан, ҳозирда Франциянинг Луврида сақланиб келинадиган ҳайкалтарошнинг ёш хотинининг гипс бюсти билан бир хил эканлигидан хулоса қилиб, уни ҳам Гудон ишлаган дейиш мумкин. Гудон томонидан яратилган “Ёш хоним боши” бюсти антик даврнинг энг жозибали портретлари билан бемалол баҳслаша оладиган портретлар сарасига киради. Кўзни камаштирадиган даражадаги мусаффолик, жозоба, юзнинг жонлилиги билан бирга мушакларнинг тарангалигини умуман йўқлиги кишини диққатини ўзига тортади. Ушбу асар ҳали расом уйланмасдан олдин, яъни 1786 йилда ишланганлиги сабабли бўлса керак, яланғоч елка ишланган бўлишига қарамасдан ундан пастки қием, аниқроғи кўкрак ишланмаган. Шунга қарамасдан Гудонни Луврдаги гипс ҳайкали уни энг жозибали аёл портрети ҳисобланади. Сочлари енгил ҳолатда елкага тушиб турибди, ёноқларидаги кулдиргичлари эса янада жонли акс этирилган, кўзларида ҳаётга бўлган ишонч балқ уриб турибди.

Гудон ҳар уччала кизини ҳам турли ёшдаги қўплаб портретларини ишлаган. Уларни онаси портрети билан биргаликда, бир гуруҳ сифатида кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Гудонни кизларининг портретлари, Луиза ва Александра Броньярлар портрети, “Кичкина Одиу” ва “Гюбер Робернинг қизи” каби портретлари ўзида ҳайкалтарошни болалар портрети соҳасидаги ижодининг чўққисини мужассам этади.

Ҳайкалтарошнинг кизлари Сабина, Анна-Анж ва Клодина портретлари шу даражада қўп такрорланган, нусха олинган ва қалбакилаштирилганки, уларнинг орасидан ҳайкалтарошни қўли теккан, ҳақиқий бюстларни аниқлаш жуда ҳам катта диққат-эътиборни талаб қилади.

Гудон қизларини энг биринчилардан ишланган портретларига ҳали жуда ҳам ёшлик чоғларида ишланган Сабинани мармар бюстини олишимиз мумкин. Ушбу асар олдин Харкнесс тўпламида сақланган бўлса, ҳозирга келиб Американинг Метрополитен (Нью-Йорк) музейида сақланиб келинади. У “Sabinet Houdon 1788” деб қайд қилинган бўлиб, 1789 йили Салон каталогига № 246 рақами билан қайд этилган “Ўн ойлик бола боши” бюст бўлиши ҳам мумкин.



Сабрина Гудон, ҳайкалтарошнинг катта қизи.

Гипс, 1791. Париж, лувр.





Сабина Гудоннинг тўрт ёшлик чоғи. Деталь. Мармар. 1791. Сан –Марино (Калифорния), Ханингтон Бадиий галерияси ва кутубхонаси.

Сабинани тўрт ёшлик чоғидаги портрети ҳайкалтарошнинг болалар портретлари сериясидаги энг машхур асари ҳисобланади. Ушбу асардан ҳар хил ҳайкалтарошлар турфа хил материалларда жуда кўплаб нусхалар

олишган. Уни гипс нусхаси Луврда, мрамар нусхаси эса Генри Е.Хантингтон (Сан Марино, Калифорния, Америка) кутубхонасида сақланади ва унга “houdon f” деб ёзилган охириги нусха бўлиб, энг яхши портрет сифатида қаралади. Хантингтон мрамари ўзининг бироз тўқроқ туси билан алоҳида ажралиб туради. Бу каби мрамарлардан XVIII аср сарой ҳайкалтарошлари, сарой омборхоналаридан олиб фойдаланишган. Кейинги кўплаб нусхалар эса ўта тоза, бироз зерикарли ҳисобланган ок мрамардан ишланган.

Сабина Гудон бюсти 1791 йилги Салон каталогини тўлдирилган нусхасида № 227 рақами остида қайд қилинган бўлиб, “Мадмуазель Сабина Гудон” жаноб Жирардога тегишли эканлиги баён қилинган. Анна-Анж ҳам унга тегишли бўлиб, “234 рақами остида “Мадмуазель Анж ўн беш ойлик чоғида” деб қайд қилинган. Лувр (Париж, Франция)да сақланадиган Анна-Анж бюстига устахонанинг тамғаси босилган, Хьюстон (Техас, Америка) нафис санъат музейидаги терракота нусхасининг ўнг қўли остига “hjudon”, деб ёзиб қўйилган, бироқ санаси қайд қилинмаган. Ўн беш ойлик Анна-Анж портрети Сабина ва чақалок оралиғидаги ажойиб бюст бўлиб, у энди бутунлай бошқача, ўзига хос нарса эди. Тўрт ёшлик Сабинадан фарқли ўларок, Анна-Анж ташки кўриниши жиҳатидан Гудон туғилишини роса ҳам орзу қилиб, кутган ўғил болага ўхшаб кетади.

Антуаннета-Клоднинг бюсти Салоннинг 1793 йилга каталогига №123 “Боланинг гипс бюсти” (Un buste d enfant en platre) бўлиши мумкин. Клодинанинг кўплаб бюстлари француз ва америка тўпламларида сақланиши қайд этилган. Лекин, орқасига “ houdon f.” деб ёзилган ягона мрамар нусхаси эса Вустер бадий музейида (Вустер, Массачусетс, Америка) сақланади. Ҳали ёшига ҳам етмаган Клодина ноодатий гайрати билан, бир нимага диққатини қаратган тарзада, бошини бироз кўтарган қўйи акс тасвирланган. Шу ёшдаги Сабинанинг акси бўлган бу бюст, бутунлай бошқа нарса бўлиб, у ҳам олдингидан кам бўлмаган ўзига



Анн-Анж Гудон, ҳайкалтарошнинг иккинчи қизи уч ёшлик чоғида.

Бюст, деталь. 1791. Париж, лувр.



Клодин Гудон, хайкалгарошнинг кенжа қизи бир ёшлик чоғида.  
Бюст, деталь. Мармар, 1791. Вустер (Массачусетс) Бадий музей

хосликнинг гўзал кўриниши эди. Жажжигина фарзандларининг ҳар бирини ўзига хослигини акс эттира олган Гудоннинг маҳоратига қойил қолмасликнинг сира иложи йўқ.



Сабина Гудон, ҳайкалтарошнинг қизи ўн беш ёшлик чоғида.  
Бюст, деталь. Шипс, 1802. Париж, Перрен Гудон тўплами.



Сабина Гудон йигирма ёшлик вақти.  
Бюст, деталь. Мармар, 1807. Нью-Йорк, Вильденштейн ва К.

## Хулоса

Гудонни Америкага жўнаб кетгунигача бўлган давр санъатини, яъни 1785 йилгача бўлган давр Салондаги кўргазмалари ҳақидаги илмий маълумот бердик. Бу билан эса ундан кейин рассом ижод қилмаган деган фикр туғилиб қолмаслиги керак. Чунки, унинг ижодида 1787, 1789, 1791 ва 1793-1814 йиллар ҳам сермахсул ижод йиллари сифатида алоҳида ўрин тутади. Гудон умрининг сўнгги йиллари ҳам зерикарли бўлган эмас. Бунни аниқлаш учун эса бироз олдирокқа қайтиш керак бўлади ва у қуйидаги кўринишни ўзида мужассамлаштиради; 1793 йилга келиб бошқа академиялар катори Қироллик Академияси ҳам тугатилади ва уни ўрнини Француз Санъат институти эгаллайди. Институтга Гудон 1795 йили устоз сифатида тайинланилади ва мунтазам равишда Институт йиғилишларида, талабаларни ўқитишда ўзининг бой тажрибаси билан фаол иштирок этади. 1801 йилга келиб ҳайкалтарош Мазаринининг эски коллежига кўчиб ўтади, бироқ уни устахонаси эса ҳамон собиқ Қироллик, эндиликдаги Миллий кутубхона биносида сақланиб қолади.

1803 йили собиқ Француз Академияларнинг бештаси ҳам Институт қошида расман яна қайта тикланади ва фаолиятларини давом эттиради. Янги Нафис санъат Академиясида Гудон, Пажу, Ролан, Жюльен, Муатт ва Дежу каби олти нафар етук ҳайкалтарошларнинг барчаси иш бошлайди. Шу йили Гудон Наполеон томонидан янги таъсис этилган “Шарафли Легион” ордени соҳиби бўлиш билан биргаликда Француз институтининг рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик бўйича махсус мактаблари профессори лавозимига эга бўлади.

Бу даврга келиб санъатда янги-янги услублар, йўналишлар, ўзига хос урф-одат ва анъаналар пайдо бўлишига қарамасдан Гудон ўз мавқеини йўқотмаганини ва академик табакалашувда ўзининг фахрли ўринини сақлаб қолганини юқоридагилардан ҳам кўришимиз мумкин.

Гудон 1814 йилга келибгина кўргазмаларда қатнашмай кўяди ва ундан кейинги ижоди ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. У ҳаётда олган зарбаси уни ақлий фаолиятига таъсир қилган деган маълумотлар ҳам йўқ эмас, сеvimли рафиқаси Гудон хоним 1823 йили оламдан ўтади. 1828 йил 15 июлида ҳайкалтарошнинг ўзи ҳам оламдан ўтади. Миллий кутубхонадаги устахонасида 15-17 декабр кунлари уни асарларининг ким ошди савдоси амалга оширилади. Харид қилинган асарларининг нархидан бу пайтда уни ижодига бўлган қизиқиш бироз бўлсада сўнгтанлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Кутилганидек неоклассицизм даврига келибгина Гудоннинг машхурлик даражаси пасаяди. Лекин, бу вақтинчалик ҳолат бўлади холос, XIX асрнинг иккинчи ярми ва учинчи чорагига келиб романтизм ва реализмнинг гуллаши билан унинг обрўси тезда қайта тикланади. Франсуа Рюд (1784-1855) Гудоннинг “Маршал Нея” бюстидан ўзининг ҳайкали (1853) учун модел сифатида фойдаланиш билангина чекланиб қолмаганлигини унинг “Турвил” ва “Жубер” асарлари билан ажойиб уйғунлик ҳосил қилганида кўзга яққол ташланади.

XIX асрда яшаб ижод қилган учта етук портретчи-ҳайкалтарошлар Давид д' Анжер (1788-1856), Жан-Батист Карпо (1827-1875) ва Огюст Роден (1840-1917)лар Гудоннинг ашаддий мухлислари ҳисобланишган. XX аср санъатида жуда кўплаб оқимлар, турфа хил қарашлар ва услубларда ижод қилган бўлишига қарамай Жак Липшиц (1891-1973) ва Константин Бранкузи (1876-1957) каби машхур рассомлар эса ўзларини Гудон олдида қарздор ҳисоблаганлар.

Жан –Антуан Гудон ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш, уни талабалик кезларини, Римдаги 4 йиллик таълим жараёнини, айниқса, 26 ёшида ишлаган “Экорше” асарини таҳлил қилиш жараёнида рассом нафақат Франция, балки Жаҳон санъати ва маданиятида ўчмас из қолдириш билан бирга ўзидан кейинги таълим жараёнига ҳам жуда катта ва бебаҳо кўргазмали қурол қолдириб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фикримизнинг исботи сифатида Наманган давлат университети Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси қошидаги лабораторияда сақланаётган Жан-Антуан Гудоннинг “Экорше” асарининг гипс нусхаси ва ундан дарс жараёнида мунтазам равишда фойдаланиб келинаётганини келтиришимиз мумкин.

Гудон ҳаёти ва ижодига бағишланган илк ўзбек тилидаги биографик маълумотлардан иборат бўлган рисоламиз ҳато ва камчиликлардан ҳоли эмас, таклиф ва мулоҳазалар билан мурожаат қилган ўртоқларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.





Илохий Бруно. Мармар, 1766-1767. Рим. Санта-Мария дельи Анжели.



Рухоний Луперкали. Гипс. 1768. Гота. Шлоссмзей.



Морфей. Гипс, 1769. Гота. Шлоссмوزهй.



Диана. Гипс. 1776. Гота. Шлоссмوزهй.



Диана. Бронза. 1782. Сан-Марино (Калифорния). Ханингтон бадий галереяси ва кутубхонаси.



Диана. Мармар. 1780. Лиссабон. Каляюст Гилбенкан музейи.



Граф Калиостро номи билан машхур бўлган Джузеппе Бальзамо бюсти.  
Мармар. 1786. Вашингтон. Миллий бадий галереянинг Кресс тўплами.



Жан-Антуан-Ипполит, граф де Гибер. Мармар. 1791.  
Нью-Йорк, шахсий жамғарма.





Жак Неккер. Мармар. 1790. Женева. Санџат ва тарих музейи.



Жан-Сильвен Байи. Терракота. 1790. Альтенбург. Линденау музейи.




Дюкенау хоним. Мармар. 1800. Сан-Франсиско. М. Х. Де Йонг музейи.



Маркиза де Креки. Гипс. 1803. Манс, де Трессе музейи.



Цицерон. Гипс. 1804. Париж. Миллий кутубхона.



Император хоним Жозефина. Мармар. 1808. Версаль.



Император Наполеон. Мрамор. 1808. Версаль.



Вольтер. Мармар. 1812. Париж. Пантеон.






Устахонасида Лаплас бюстини ишлаётган Гудон. Аёли ва кизлари уни ортидан кузатиб туришибди.  
Луи-Леопольд Буальи асари. 1803. Париж. Декоратив санъат музейи.



Шогирди томонидан нагура асосида ишланган ялонғоч комат этюдини тuzатаётган Гудон.  
Луи-Леопольд Бувальи асари. 1804. Шербур. Том Анри музейи.



Гудон. Луи-Леопольд Буалъи асарининг детали.  
Лилль. Нафис санъат саройи.



Екатерина II. Мрамор. 1773. Санкт-Петербург. Эрмитаж.



Князь Михайил Михайлович Голицин қабри ёдгорлиги.  
Мармар. 1774. Москва. Дон монастири.



Людовик XVI нинг ҳоласи Виктория хоним.  
Мармар. 1777. Лондон. Уоллес тўплами.



Вольтер. Мармар. 1781. Париж. Френсэз Комедиси.



Аполлон. Бронза. 1790. Лиссабон. Калюст Гильбенкан музейи.





Людовик XVI. Мармар. 1790. Версаль саройи.

### Фойдилган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси.
2. Н. Абдуллаев. Санъат тарихи. Икки жилдлик. Биринчи китоб. – Т.; 2001
3. Б. Бойметов. Қаламтасвир. – Т.; 2006
4. С. Абдирасилов, Б. Бойметов, Н. Толипов. Тасвирий санъат. – Т.; 2006
5. А. Сулаймонов, Б. Жаббаров. Тасвирий санъатда оким ва йўналишлар. – Т.; 2008
6. G. G. Arnason. Sculptures Gudon's. Phaidon Press, London 1975
7. Г.Г. Арнасон. Скульптура Гудона. Перевод с Английского П. В. Мелковой. М.; 1982.
8. Авт. колл. Искусство. Часть 3. от А до М. –М.; 1989.
9. Авт. колл. Популярная художественная энциклопедия. –М., 1986
10. Арт. РУ. Французская скульптура (интернет маълумоти).

## Мундарижа

1.	Кириш .....	3
2.	XVIII аср Франция санъатида ҳайкалтарошликни туган ўрни .....	6
3.	Жан-Антуан Гудон ижодини ўрганилганлик даражаси .....	9
4.	Гудонни санъат оламига кириб келиши .....	14
5.	Ҳайкалтарошни Римдаги ижодий фаолияти .....	16
6.	Ижодкорнинг “Экорше” асари ва уни тарихий аҳамияти .....	23
7.	Жорж Вашингтон ҳайкалини яратилиши тарихи .....	31
8.	Рассомнинг оилавий ҳаёти .....	37
9.	Хулоса .....	45
10.	Илова .....	48
11.	Фойдаланилган адабиётлар .....	73

